Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# OʻZBEKISTON OVOZI

• 2011-yil, 2-avgust. Seshanba • 91 (31.367) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

# Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!



**Ҳар бир авлод эл-юртининг тарихини ва обрўйини ўзининг фарзандлик муҳаббати ва эътиқоди, садоқати ва бунёдкорлиги, матонати ва мардлиги билан барпо этади.**

**Бизнинг бугунги энг буюк вазифамиз ва муқаддас бурчимиз — Ўзбекистон тарихидан ўзимизга муносиб саҳифа очиш ва уни авлодларимиз учун ибрат бўладиган олижаноб ва савобли ишлар билан тўлдиришдир.**




## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Ўзбекистонга яқинда амалга ошган ташрифим асносида Сиз билан учрашиш шарафига муяссар бўлганим ва кенг кўламли масалалар юзасидан самарали ҳамда амалий мулоқот олиб бориш, фикр алмашиш имкониятига эга бўлганим учун Сизга ўз миннатдорлигимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистон жадал ривожланаётганига гувоҳ бўлдим, халқингиз эришаётган ютуқлар мени ҳайратга солди. Ўзбекистон бутун минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим ўрин тутади. Сизнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига (МРМ) эришиш борасида кўрсатаётган шахсий саъй-ҳаракатларингиздан бошқалар ибрат олса арзийди. Айни пайтда, у Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

Сиз билан учрашувимиздан сўнг, шахсан ўзим БМТ Бош котибига муҳокама қилинган масалалар, айниқса, Орол фожиасига халқаро ҳамжамият эътиборини янада кўпроқ жалб этиш зарурлиги, трансчегаравий сув ресурслари муаммоси, шунингдек, Қирғизистонда ўтган йили содир этилган фожиали воқеаларни мустақил халқаро текширишнинг бориши бўйича ахборот бердим.

Сизга, шунингдек, мамлакатингизнинг БМТ Тараққиёт дастури билан барча соҳаларда шерикликни ривожлантириш, шу жумладан, Ташкилотимизни янги бино масаласида қўллаб-қувватлаётганингиз учун миннатдорлигимни изҳор қилишга рухсат бергайсиз.

Сизни ишонтириб айтаманки, ўз мустақил тараққиёт йўлидан дадил бораётган Ўзбекистон билан БМТ Тараққиёт дастури ҳамкорликни изчил давом эттираверади. Бу ҳамкорлик ривожланаётган мамлакатларда инсон ресурсларини ошириш бўйича жаҳондаги илғор тажрибани ўрганишда кўмак бериш масалаларини ўз ичига олади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизни ва Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллиги муносабати билан самимий қутлашга ижозат бергайсиз. Ишончим комилки, Ўзбекистон ва БМТ Тараққиёт дастури ҳамкорлиги Ўзбекистон халқи манфаатлари ва фаровонлиги йўлида янада мустаҳкамланиб бораверади.

Самимий эҳтиром билан,

**Ҳелен КЛАРК,**
**БМТ Бош котибининг ўринбосари,**
**БМТ Тараққиёт дастури раҳбари.**

ЎзХДП: электорат манфаати



Владимир ГОНЧАРЕНКО олган суратлар.

## Демократик ислоҳотлар тарғиботи

### *маҳаллаларда олиб борилмоқда*

Маҳалла — чинакам миллий қадриятлар маскани. Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, муҳтожларга ёрдам каби хайрли ишлар аввало маҳалла муҳитида шаклланган. Бу ерда жамоатчилик фикри катта таъсир кучига эга.

Мустақиллик халқимизга берган неъматлар ва унинг ҳар бир инсон тақдиридаги ўрни ҳам маҳаллада яққол намоён бўлади. Халқимиз ҳаётининг ажралмас қисми бўлган бу тузилманинг мавқеи, жамият ривожи ва давлат бошқарувидаги ўрни муттасил ўсиб бормоқда.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан Юнусобод туманидаги «Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган «Демократик ислоҳотларни тарғиб қилишда ЎзХДП ташкилотларининг маҳаллалар билан ҳамкорлиги» мавзусидаги давра суҳбатида бу ҳақда алоҳида сўз юритилди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, маҳаллада истиқомат қилувчи фуқаролар иштирок этди. Сўзга чиққанлар демократик ислоҳотларни тарғиб қилиш, айниқса, ижтимоий масалаларни ҳал этишда маҳалла билан ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкилашди.

*(Давоми 2-бетда.)*

Ҳаёт қувончлари

## Обод қишлоқлар

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги Бухоро туманида ҳам катта ўзгаришлар билан кутиб олинаяпти.

Хусусан, Чорбакр қишлоғида истиқомат қилувчи 16 та хонадон учун бу йилги байрам қўшалоқ келмоқда. Ҳудудда қад ростлаётган уч ва тўрт хонадан иборат янги уй-жойлар байрам арафасида ўз эгаларига топширилади.

— Аввал қишлоқ аҳли бундай уйларни фақат орзу қиларди, — дейди фермер Баҳриддин Расулов. — Президентимизнинг эътибори ва ғамхўрлиги туфайли бугун қишлоқларимиз кўриниши, турмушида муҳим ўзгаришлар бўлмоқда. Биз ҳам оиламиз билан намунавий лойиҳа асосида қурилаётган уйларнинг бирига эга бўлаяпмиз. Насиб этса, байрамни янги уйда нишонлаймиз.

Тумандаги 105 та оилада шундай қувончли воқеа бўлиши кутилмоқда.

— Уй-жой қуриш ишларида асосан ўзимизда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларидан фойдаланаяпмиз, — дейди Галаосиё шаҳридаги «47-кўчма механизациялашган жамланма» МЧЖ иш юритувчиси Ўткир Раҳматов. — Замонавий қурилиш хомашёлари янги масканларнинг мустаҳкам, қулай ва кўркам бўлишида муҳим роль ўйнаяпти. Шунингдек, уйларнинг коммуникация тизимлари — сув, табиий газ, электр энергияси билан тўлиқ таъминланиши кишиларимизга манзур бўлаяпти.

**Лазиза ШЕРОВА**

*Жорж КРОЛ:*

## ЎЗБЕКИСТОН — МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ СИЁСИЙ, МАДАНИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ МАРКАЗДИР

**Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида тан олган давлатлардан. Мамлакатларимиз ўртасида 1992 йили дипломатик алоқалар ўрнатилган. Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини элликдан зиёд ҳужжат, жумладан, 2002 йилда имзоланган Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация ташкил қилади. Бугунги кунда икки томонлама алоқалар ушбу декларация қоидалари ва тамойилларига асосланган ҳолда, тенг ҳуқуқлилик, конструктив ҳамкорлик ва манфаатларни ўзаро ҳурмат қилиш принципларига мувофиқ ривожланиб бормоқда.**

**Мамлакатимиз давлат мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбири Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жорж КРОЛ билан суҳбатлашди.**

— ***Элчи жаноблари, суҳбатимиз Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида ўтмоқда. Ўзбекистонда истиқлол йилларида амалга оширилган ислоҳотлар ва эришилган ютуқлар ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик.***

— Ўзбекистонда АҚШ элчиси сифатида фаолият бошлаганимдан жуда мамнунман. Бу мен учун буюк шарафдир. Ўзбекистон қадимий ва бой тарихга эга. Тарихда бўлгани каби ҳозирги кунда ҳам Ўзбекистон минтақадаги сиёсий, маданий ва иқтисодий марказдир. Ўзбекистон минтақада барқарорлик, хавфсизлик ва тараққиётни таъминлашда ҳар доим муҳим ўрин тутиб келади. Марказий Осиё жаҳоннинг барқарор ва тинч минтақаси сифатида тараққий этишидан Ўзбекистон ҳам, АҚШ ҳам бирдек манфаатдор.

Ўзбекистон мустақиликка эришганидан сўнг улкан ютуқларни қўлга киритди. Асосий эътибор ижтимоий ва иқтисодий ривожланишга қаратилди ва бу омил Ўзбекистоннинг барқарорлигини ва тараққиётини таъминлашга хизмат қилиб келмоқда.

*(Давоми 2-бетда.)*

## Дунё нигоҳидаги «Қуёшли ўлка»

⇨ 3



### Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам!

Кеча Тошкент халқаро аэропортида Остона шаҳрида бокс бўйича ўсмирлар ўртасида якунланган жаҳон чемпионатида ёрқин ғалаба қозонган мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари тантанали равишда кутиб олинди.

Балли, йигитлар! Офарин, устозлар!

Сизнинг бу ғалабангиз Мустақиллик байрамимизнинг 20 йиллигига муносиб туҳфа бўлди!



## Боксчиларимизнинг жаҳон чемпионатидаги ёрқин ғалабалари

⇨ 4

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2011 ЙИЛ 2 АВГУСТДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ**

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1908,16 | 1 Миср фунти | 290,06 | 1 СДР | 2761,47 | 10 Жанубий Корея вони | 16,46 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2840,57 | 1 Канада доллари | 1815,03 | 1 Туркия лираси | 1024,20 | 10 Япония иенаси | 223,01 |
| 1 БАА дирҳами | 470,21 | 1 Хитой юани | 268,38 | 1 Швейцария франки | 2182,48 | 1 Россия рубли | 62,39 |
| 1 АҚШ доллари | 1727,00 | 1 Малайзия ринггити | 587,81 | 1 Евро | 2487,80 | 1 Украина гривнаси | 216,65 |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Oʻzbekiston havo yoʻllari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

# КОНЦЕПЦИЯ:

# Оилавий бизнес —

## фаоллик ва фаровонлик кафолати

Ота-боболаримиз азалдан ҳунар эгаллашга, шу орқали ўзи ва оиласи учун даромад манбаи яратишга, энг муҳими, бирон хайрли иш билан атрофдагиларга фойда етказишга ҳаракат қилиб келган. Бу эзгу анъанани сақлаб қолиш, айни вақтда, замонавий эркин бозор муносабати асосида такомиллаштириш ҳаётимиз равнақ топишида муҳим аҳамиятга эга.



**Искандар АЗИЗОВ,**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.**

— «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ривожланиши учун қонуний шарт-шароит яратиш зарурлиги алоҳида таъкидланган.

Аввало, шуни айтиш керакки, бозор муносабатларини либераллаштириш ва демокраштириш хусусий мулкчиликни, тадбиркорлик фаолиятини, айниқса, оилавий бизнезни ривожлантириш бўйича янги қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш заруратини туғдирди.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, оилавий тадбиркорлик учун қулай муҳит яратилишидан кам таъминланган оилалар, вақтинча ишсиз кишилар, умуман, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакиллари бевосита манфаатдор. Янги иш ўринлари яратилиши ва аҳоли учун барқарор даромад манбаи қонуний асосланиши партиямиз электорати манфаати ишончли ҳимоя қилинишида ғоят муҳим.

Мамлакатимизда бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг кам таъминланган, лекин иқтисодий фаол қатламини бу соҳага кенг жалб этиш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга жиддий аҳамият берилмоқда. Айниқса, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали ёшлар ва аёллар, умуман, меҳнат билан банд бўлмаган аҳоли қатлами ўз ишини йўлга қўйиши учун қулай шарт-шароит яратилмоқда. Шунинг учун оилавий бизнеснинг қонуний асослари мустаҳкамланаётганда ана шу жиҳатлар бўйича тегишли меъёрлар белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

Бу, аҳолининг иқтисодий фаоллиги ошишига рағбат уйғотади, кишиларнинг ўз касб-ҳунари орқали қонуний даромад олиш имконини кенгайтиради. Шу орқали партиямизнинг сайловолди дастурий мақсадларини амалга ошириш учун янада қулай шароит юзага келади.

Бизнеснинг бу шакли нафақат оила аъзоларини иш билан таъминлаш ва даромадларини оширишга, балки оилани, ундаги ҳамжиҳатликни, демак, жамиятни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бундан ташқари, бозорни, талаб ва таклифни ўрганиш, шунга қараб маҳсулот ишлаб чиқариш, хизматларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш, айни пайтда, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш, оила бюджетини шакллантириш ва уни бошқариш каби бозор иқтисодиёти шароитида ғоят зарур кўникмаларни мустаҳкамлайди.



**Қаҳҳор ИБРАГИМОВ,**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси.**

— Концепция ғоялари асосида «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида» ва «Рақобат тўғрисида» қонун ишлаб чиқиш жараёнида оилавий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликлари бўйича тегишли моддалар киритилиши мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририда оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчилар учун муайян имтиёзлар белгиланиши лозим.

Иқтисодиёт тизимида яратилган соғлом муҳит мамлакат тараққиётида муҳим омил бўлади. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қўллаб-қувватланиши ўз ишини ташкил қилиш истагидаги кишилар ташаббус кўрсатишига йўл очади. Бу, айни пайтда, бандликни таъминлаш имконини кенгайтириб, аҳолини янада фаолликка ундайди.

Оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосларини белгилашга доир қонун лойиҳасида қишлоқ хўжалиги тизимида маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчилар меҳнатини қонуний кафолатлаш лозим, деб ўйлайман.

Қаранг, томорқасида деҳқончилик қилаётган кишилар шунинг орқасидан оиласини таъминлайди, энг муҳими, етиштирган маҳсулотлари билан аҳоли эҳтиёжини қондиришга ҳисса қўшади. Шу тариқа жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этади. Шундай экан, уларнинг меҳнати муҳофаза қилиниши, хусусан, меҳнат дафтарчаси юритилиши, қонунга мувофиқ тарзда бошқа имтиёз ва қулайликлар яратиб берилиши мақсадга мувофиқдир.

Бу, оилавий тадбиркорлик қамровини кенгайтиришга, кишилар ўзини жамиятнинг ажралмас қисми эканини чуқур ҳис этиб яшашига, бир сўз билан айтганда, дахлдорлик ҳисси кучайишига хизмат қилади. Кучли фуқаролик жамияти қуришда, бозор иқтисодиётига асосланган ислоҳотларнинг бугунги босқичида бу ғоятда муҳим ва аҳамиятлидир.

Оилавий бизнес учун қулай ҳуқуқий асос яратилиши ўз-ўзидан маҳаллий бозорнинг мўл-кўлчилигини оширади. Ҳудудларда хизмат кўрсатиш тури ва сифати ортади. Бунинг самараси ўлароқ, маҳаллий ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчилар ҳудудлар эҳтиёжини қондиради. Бозорга, яъни талабга қараб маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тажрибаси ортади.

Шу ўринда яна бир жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Оилавий тадбиркорлик ривожланиши фарзандларимизнинг меҳнатга муносабатини шакллантириш, янгиликка интилишини кучайтириш, ўз мустақил фаолиятини ташкил этиш, касб сирларини мукаммал эгаллашга рағбатлантиради. Ўз олдига катта мақсад қўйиш ва унга эришиш учун курашиш, янгилик ва тараққиётга интилиб яшаш каби туйғуларни шакллантиришда бунинг аҳамияти беқиёс.

Шу боис, юртимизда қадимдан оилавий тадбиркорлик эъзозланган. Давлатимиз раҳбари илгари сурган қонунчилик ташаббуси шу қадриятнинг барқарор ривожланиши учун ҳуқуқий асосни мустаҳкамлайди, оилавий тадбиркорлик жадал равнақ топиши учун қулайлик яратиб, турмуш фаровонлигини оширишга замин яратади.

**«Ўзбекистон овози» мухбири Тўлқин ТЎРАХОНОВ ёзиб олди.**

*Жорж КРОЛ:*

# ЎЗБЕКИСТОН — МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ СИЁСИЙ, МАДАНИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ МАРКАЗДИР

***— Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари ҳақида фикрингиз? Мамлакатимизда элчи сифатида бошлаган миссиянгиз давомида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида қайси жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш ниятидасиз?***

— Ўзбекистон билан таълим бўйича ҳамкорликни жадал йўлга қўйиш, иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш каби кўплаб соҳаларга оид муносабатларни мустаҳкамлаш борасида ўзаро ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз. Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Ҳиллари Клинтоннинг 2010 йили Ўзбекистонга ташрифи доирасида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси билан АҚШ ўртасида Илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим имзоланди.

Ўзбекистон Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш ҳамда ушбу мамлакатни ижтимоий-иқтисодий тиклаш борасида олиб борилаётган халқаро саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаши муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Афғонистон учун ғоят зарур электр энергияси етказиб бераётгани, у ердаги инфратузилмаларни ривожлантириш лойиҳаларини амалга оширишда фаол ёрдам кўрсатаётгани таҳсинга лойиқ.

Жорий йилнинг февраль ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон ва АҚШ ишбилармон доираларининг бизнес-форумида мамлакатларимиз ўртасида савдо ва сармоявий соҳадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш борасида фойдали келишувларга эришилди. Мазкур форумда АҚШнинг энг илғор ва замонавий технологиялари, хизмат кўрсатиш тизими ва сифат кўрсаткичларини намойиш этган «Boeing», «Case New Holland», «ExxonMobil», «FMN Logistics», «General Electric», «Honeywell», «General Motors», «Microsoft» каби йирик компаниялари вакиллари иштирок этди. АҚШ Президенти Барак Обама маъмурияти Марказий

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга устувор масала сифатида қарайди. Бу ташаббус Ўзбекистон ва АҚШ компаниялари учун ўзаро бизнес муҳитини янада яхшилаш, сармоя киритиш имкониятларини кенгайтириш борасида ҳамкорликни ривожлантириш учун қулай шароит яратишга хизмат қилади.

Ўзбекистон — табиий ресурсларга бой мамлакат. Мамлакатингиз ишлаб чиқариш соҳасида ҳам ўз технологик имкониятларини ошириш борасида катта саъй-ҳаракат кўрсатмоқда. Ўзбекистонда ёшларни муваффақиятли фаолиятга тайёрлаш масаласига улкан эътибор қаратилаётгани таҳсинга сазовордир.

***— Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва изчил амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастури ва ушбу дастур бераётган самаралар, умуман, тараққиётнинг «Ўзбек модели» ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик.***

— Ўзбекистон глобал иқтисодий инқирозга самарали қарши тура олди. Унинг макроиқтисодий кўрсаткичлари сезиларли даражада ошмоқда. Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «Ўзбек модели» изчиллик ва босқичма-босқичлик тамойилларига асосланган.

АҚШ очиқ бозор, тадбиркорликка рағбат уйғотувчи кучли молиявий ва ҳуқуқий тизимга узоқ муддатли иқтисодий ўсиш ва ривожланишнинг асосий омиллари, деб қарайди. Мен Ўзбекистонда юксак тараққиёт учун улкан салоҳият ва бу салоҳиятни янада самарали ишга солиш учун ривожланган инфратузилма мавжудлигига амин бўлдим. АҚШ Ўзбекистоннинг иқтисодий жиҳатдан янада тараққий этиши йўлида мамлакатингиз билан яқин ҳамкорлик қилиш тарафдори.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини мамлакатингиз давлат мустақиллигининг 20 йиллик байрами билан самимий муборакбод этаман. Халқингизга мустаҳкам соғлик, тинчлик, фаровонлик ва муваффақиятлар тилайман.

**ЎзА мухбири Ирода УМАРОВА суҳбатлашди.**

ЎзХДП: электорат манфаати

# Демократик ислоҳотлар тарғиботи

## маҳаллаларда олиб борилмоқда







— Маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро яқин муносабатини таъминлаш масалаларига Президентимиз илгари сурган концепцияда алоҳида эътибор қаратилган, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева. — Маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифасини янада кенгайтириш ислоҳотлардан кўзланган мақсадлар амалга ошиши учун жуда зарур.

— Маҳалланинг энг муҳим вазифаларидан бири аҳоли

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ўртасида тарғибот ишларини олиб боришдир, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Гулноза Эрназарова.

**— Ҳаётимизда маҳалланинг мавқеи тобора ошиб бораяпти. Шундай экан, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар тарғиботида партия ташкилотларимиз ва маҳалланинг ҳамкорлигини ривожлантириш эҳтиёжи янада кучаймоқда.**

Президентимиз тақдим этган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» тамойиллари босқичма-босқич амалга ошаяпти. Концепция асосида қабул қилинган қонунга кўра, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати мамлакатимиз Бош вазирининг «Демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастури, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида»ги ҳисоботини эшитди ва муҳокама этди. Шу жараёнда депутатлар ва сенаторлар кишиларимизни ўйлантираётган қанча масалаларни кўтарди. Буларнинг барчаси нафақат демократия ривожи, балки юртимиз тараққиётига хизмат қилади. Бундай ўзгаришларни биз маҳаллаларда кишиларга ҳаётий мисоллар ёрдамида тушунтириб боришимиз зарур.

— Тараққиётнинг Ўзбек модели ўзагини ташкил этувчи беш тамойилнинг бири ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишдир, — деди маҳалла фаоли, тиббиёт фанлари доктори Эркин Турсунов.

**— Бугун бу тамойил нақадар ҳаётий экани исботланди. Биз йигирма йил ичида асрларга тенг ютуқларга эришдик. Бунинг замирида узоқни кўзлаб танланган тараққиёт йўлимиз, улкан меҳнат, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти ётибди, албатта.**

Шунингдек, давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Сайдивали Аҳмедов, Юнусобод туман партия кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Нигора Эшметова ва бошқалар маҳалла ҳамда партия ташкилотлари ҳамкорликда ислоҳотларнинг бориши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириши зарурлигини таъкидлашди. Чунки, маҳаллада одамларнинг турмуш тарзи, кимнинг қандай яшаши, қандай иш билан шуғулланиши ҳаммага аён, барчанинг кўз ўнгида. Бундай ҳамкорликни изчил йўлга қўйишда Юнусобод туманидаги 58 та маҳалланинг 54 тасида фаолият кўрсатаётган партиямиз бошланғич ташкилотларининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Фикр алмашиш руҳида ўтган давра суҳбатида маҳаллада ижтимоий ҳимоянинг манзиллилиги, аҳоли бандлигини таъминлаш каби масалаларда ҳам кўплаб мулоҳазалар ўртага ташланди.

— Яқинда бўлиб ўтган сайловлар даврида маҳалла фуқаролар йиғини раислигига сайландим, — дейди «Оқтепа» маҳалласи оқсоқоли Нуриддин Жалолов. — Ҳудудимизда олти мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Турли тадбирларни амалга оширишда илгаридан ХДП туман кенгаши билан яхши алоқа йўлга қўйилган. Айниқса, тарғибот-ташвиқот ишларида маҳаллада яшайдиган олимлар фаол иштирок этмоқда. Ягона мақсад йўлидаги бу ҳамкорликдан барча манфаатдор бўлмоқда.

**Асли КАМОЛ**

Бандлик дастури амалда

# Касаначилик: манфаатдорлик ошмоқда

Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида касаначиликни ривожлантиришга бағишлаб ўтказилган тадбирда тадбиркор Замира Соатованинг шогирдлари тиккан зарҳал дўппи, нимча ва кўйлаклар кўпчилик эътиборини тортди. Мутахассислардан бири: «Бу маҳсулотлар билан бемалол жаҳон бозорига чиқиш мумкин», дея таъкидлади. Шунда туман ҳокими ўринбосари Дилбар Хўжақулова Замира Соатова кўп ёшларга устозлик қилаётгани ҳақида сўзлаб берди.

Замиранинг отаси Эгамберди ака фермер, катта ишларга бошқош. У отасидан маслаҳат сўради. Ҳаётнинг оғир-енгилини кўрган Эгамберди ака қизининг фикрини маъқуллади. Замиранинг умр йўлдоши Тоҳир Амиров олий маълумотли муҳандис. «Шўртангазкимё» мажмуида меҳнат қилади. Топиш-тутиши яхши. Турмуш ўртоғининг раъйини қайтармади. Йиққан жамғармасини унинг қўлига тутқазди. Отаси ҳам ёш оилага ёрдам берди. 6 та «Чайка» русумли тикиш машинаси сотиб олинди. Ғузор шаҳрининг Янгибозор даҳасидаги иморатнинг бир неча хонасини ижарага олишди. Шу тахлит 2009 йили «Замира» кичик корхонаси иш бошлади. Аввал шогирдлари 4 нафар чевар эди. Кейин кўпайди.

— Замира опам «бирга ишлаймиз» деганларида роса хурсанд бўлганман, — дейди чевар Гўзал Имомова. — Бошда озроқ қийналдим, кейин ўрганиб кетдим. Келинчаклар учун кўйлаклар, дўппиларга гуллар тикув машинаси ёрдамида қўндирилган. Агар қўлда бажарилса, вақт кўп кетади, таннархи ҳам кўтарилади. Гўзал, бежирим, пишиқ буюмларимизга харидор кўп. Мафтуна Эгамова, Гавҳар Чориева, Шаҳло Бобомуродова ва бошқа дугоналарим ҳам тикувчилик сирларини яхши ўрганиб олди.

— Бошида анча қийналганман. Яхши тикувчилар кўп. Биз буюмларимизни қандай сотамиз, чеварларга қай тарзда иш ҳақи топиб бераман, деб кўп ўйланганман, — дейди Замира Соатова. — Ишимиз юришиб кетди. Буюртма кўп тушаяпти. Натижада яна 6 чеварга уйида ишлаш учун шароит яратиб бердик. Шундай қилиб, ўз касаначиларимизга эга бўлдик. Ўтган йили туман пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти билан шартнома тузиб, теримчилар учун этак, хирмон устига ёпиладиган брезент чодирлар тайёрлаб бердик. Ишимиз ривож топган сари манфаатдорлик ҳам ошмоқда. Буни чеварларимиз яхши билишади.

— Юртимизда юзага чиқмайдиган орзу йўқ, — дейди партиямиздан туман кенгаши депутати Дилбар Хўжақулова. — Биз Бандлик дастурини амалга оширишга жиддий эътибор бераяпмиз. Туманимиздаги йирик саноат корхоналаригина эмас, тадбиркорлар ҳам уйларда касаначилик меҳнатини йўлга қўйишга ҳаракат қилаяпти. Бу борада Замирахон кўпчиликка ўрнак бўлди.

**Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги олдидан!**

# ДУНЁ НИГОҲИДАГИ «ҚУЁШЛИ ЎЛКА»

**Хоразм ҳақида гап кетганда, воҳа аҳлининг бетакрор санъати, урф-одатлари, шу диёрда яшаб ўтган улуғ-улуғ инсонларнинг тарихий ибрати ҳам кўз олдимизга келади.**

**Бу эл қадим-қадимдан ҳунармандчилик, деҳқончилик, меъморчилик, илму фан, маданият ва санъат соҳасида ўзига хос мактаб яратганини бутун дунё эътироф этади.**

**Айниқса, Хоразмнинг шонли тарихи бизда ўтмиш билан ҳақли равишда фахрланиш туйғусини уйғотади. Чунки Хоразм тарихи ўзбек давлатчилиги тарихининг узвий қисмидир, унинг қудрати ва қадимийлиги тимсолидир.**

**Ана шу бебаҳо мерос бугунги авлод зиммасига буюк аждодларимизга муносиб ворис бўлишдек улкан масъулият ҳам юклайди.**

***Ислом КАРИМОВ***

Хоразм турли манбаларда турлича тилга олинса-да, аслида бир маъно англатган — «Қуёшли ўлка».

Истиқлол йилларида Хоразм тарихи, бугунги ҳаёти бутун жаҳонда янада кўпроқ эътироф этиладиган бўлди. Чунки бу қутлуғ заминда «Авесто»нинг 2700 йиллиги, Хива шаҳрининг 2500 йиллиги, инсоният тамаддунида муҳим ўрин тутган Маъмун академиясининг 1000 йиллиги, буюк аллома, араб тили грамматикаси асосчиси Маҳмуд Замахшарий таваллудининг 920 йиллиги, улуғ саркарда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги кенг нишонланди, шу муносабат билан халқаро анжуманлар ўтказилди, бу эса Хоразмга жаҳон жамоатчилиги диққат-эътиборини такрор ва такрор қаратди.

Ўтган йигирма йилда амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида вилоятда маданий-маърифий, иқтисодий-ижтимоий соҳаларда эришилган ютуқлар, «Умид ниҳоллари», «Асрлар садоси» каби республика миқёсидаги тадбирларнинг намунали ташкил қилиниши, гиламчилик, тўқимачилик, халқ амалий санъати, шакар ишлаб чиқариш бўйича ибратли тажрибалар, буюк алломалар вориси бўлган мустақиллик фарзандларининг илм-фан, санъат ва спортдаги ғалабалари, хуллас, меҳнаткаш ва юксак маънавиятли хоразм элининг бунёдкорлик, яратувчанлик ишларидан ҳар бир юртдошимиз қалби ғурурга тўлмоқда.

2003 йилда Хоразм вилояти иқтисодий-ижтимоий, маданий-маърифий соҳаларда эришган улкан муваффақиятлари учун Президент Фармонига биноан Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотланди.

**ДИЛЛАРНИ ДИЛЛАРГА, ЭЛЛАРНИ ЭЛЛАРГА БОҒЛАГАН ҲАЁТ БЕЛГИСИ**

Воҳа марказидан чиқиб, жануби-шарқ томон 70 километрча юрилгач, йўл тархи бироз юқорилаб, иккига ажралади. Сўл томон бурилган йўловчи Тошсоқа мавзеси яқинида азим Аму узра барпо этилган салобатли кўприкка чиқади. Машинамиз кўприкка яқинлашган пайтда йўл ёқасида улов пойлаб турган онахон билан болакай эътиборимизни тортди. Уларни машинага олдик. Кўприкка етганда:

— Тақдир қизимнинг насибасини қирқ йил аввал дарёнинг нариги бетига сочган, — деди онахон. — Шириндан-шакар бешта неварам, учта чеварам бор. Кўприк қурилгунга қадар жигаргўшаларим дийдорига тўйиш учун улар яшаётган Оққамиш қишлоғига 150-160 чақирим йўл босиб, ё Урганч, ё Дулдул орқали минг бир азоб билан 3-4 йилда бир марта бориб келардик. Энди бўлса, узоғимиз яқин. Кўприкдан фақат машиналар қатнайди, десак, поездлар ҳам ўтар экан. Президентимиз бош бўлиб, бу кўприк қурилгандан сўнг жигарларим билан деярли ҳар ҳафта дийдорлашиб турибмиз.

Онахон чин дилдан айтган бу сўзларни тинглар эканман, беихтиёр Юртбошимизнинг кўприк ишга туширилишига бағишланган тантанали маросимда: **«Барча-барча халқлар кўприк деганда, одамларнинг узоғини яқин, мушкулини осон қиладиган, дилларни дилларга, элларни элларга боғлайдиган ҳаёт белгисини тасаввур қилади»,** дея таъкидлагани ёдимга келди.

Мустақиллик йилларида барпо этилган бу муаззам иншоот қуйи Амударё минтақасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омилига айланди. Поезд ва автоуловлар қўшни давлат орқали эмас, балки шу кўприк орқали қатнай бошлади. Замонавий кўприк айни пайтда Учқудуқдан қуйи Амударё сари чўзилган янги темир йўл тармоғини ҳам воҳага улади. Бу билан Қизилқум саҳросининг темир йўл ўтган ҳудудини ободонлаштириш, кўплаб инфратузилма тизимлари барпо этиш истиқболи очилди.

Қарийб 60 миллион АҚШ долларига тенг маблағ эвазига бунёд этилган 781 метр узунликдаги мазкур салобатли иншоот бир неча ўн километрлик магистрал йўл тармоғи ҳамда бир нечта йирик канал кўприкларини ҳам ўз ичига олади.

**Айни кунларда Урганч шаҳридан унчалик узоқ бўлмаган Чолиш қўрғони яқинида Жайхун узра автомашина ва пиёдалар қатнови учун яна бир муаззам кўприк бунёд этилмоқда. Иншоотнинг мукаммалиги ва мустаҳкамлигига таъриф йўқ. Уни 32-38 метр чуқурликкача етиб борувчи юзларча мустаҳкам ва чидамли темир-бетон қозиқ ва устунлар кўтариб туради. Ҳозир ҳар бирининг узунлиги 33 метрдан иборат 21 та улкан бетон боғламаларни бир-бирига улаш ишлари охирлаб қолди.**









Дарвоқе, улкан ҳажмли бундай металл қурилмалар Хоразм кўприксозлигида илк бор қўлланилмоқда. Сув сатҳидан 12 метр баландликда, бир йўла кемалар қатновига мўлжаллаб қурилаётган 682 метр узунликдаги мазкур ноёб иншоот ҳар қандай тиғизликдаги транспорт оқими, ҳатто оғир юкли машиналар қатновини ҳам тўхтовсиз амалга ошириш имконини беради.

— Шу кунгача 54 миллиард сўмдан зиёд қурилиш-монтаж ва йўл бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, — дейди **қурилиш участкаси бошлиғи Ойбек Алдешов.** — Янги кўприк қуйи Амударёнинг икки соҳилини бир-бирига боғлайди. Бу эса минтақа тараққиётини янги босқичга кўтаришда муҳим ўрин тутади.

**ОЧИҚ ОСМОН ОСТИДАГИ МУЗЕЙ**

Хоразм воҳаси ўзининг бетакрор тарихий ва меъморий ёдгорликлари билан дунёда довруғ қозонган. Бу ерда 149 та меъморий ва шаҳарсозлик, 16 та археологик, 21 та монументал санъат ва ҳайкалтарошлик ёдгорликлари бор. Очиқ осмон остидаги музей шаҳар мақоми берилган Хиванинг Ичан қалъа қисми эса ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси шаҳарлари ташкилоти ҳисобига киритилган.

Истиқлол йилларида бу ерда замонавий туризм индустриясини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, «Ичан-Қалъа» давлат музей-қўриқхонаси сайёҳлик ташкилотлари билан 40 дан зиёд хизмат кўрсатиш шартномаси тузгани ҳам фикримиз далилидир. **Истиқлолга қадар шаҳарда сайёҳлар учун атиги битта меҳмонхона хизмат кўрсатган бўлса, бугун уларнинг сони 18 тага етди.**

Вилоятда меъморий ёдгорликларни таъмирлаш, теварак-атрофини ободонлаштириш ва кўкаламлаштириш узлуксиз олиб борилади. Кўҳна Урганч ҳам кейинги йилларда улкан бунёдкорлик майдонига айланди. Илгари чанг-ғубор ва шўрхок туз тўзғиган мазкур шаҳар ҳудудида Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Хоразмий, Беруний, Замахшарий боболаримиз ва «Авесто» номи билан аталувчи 6 та боғ-ёдгорлик мажмуи, шаҳарнинг марказий ёдгорлик хиёбони ва ўнларча спорт кошоналари барпо этилди, бугун улар шаҳарга кўрк бағишлаб турибди.

Шу кунларда шаҳарнинг Хоразмий номидаги марказий шоҳкўчасини қайтадан бунёд этиш ишлари олиб борилаяпти. Бу ерда замонавий шаҳарсозликнинг энг сўнгги намуналарини ўзида акс эттирган кўпқаватли уй-жойлар, савдо ва хизмат кўрсатиш бинолари, кўкаламзор хиёбонлар барпо этилади...

**ФАРОВОНЛИК ФАЙЗИ**

Ўзбекнинг нимаси кўп, тўю тантанаси, яхши кунлари кўп. Яқинда дўстларимиздан бири ўғил уйлантирди. Нисбатан камхарж бўлишига қарамай, ширин орзу-ҳаваслар, эзгу ниятлар билан туман марказидаги шинамгина тўйхонада дастурхон ёзди. Икки ёшга бахт тилаш учун келган меҳмонлар ажойиб кечанинг гувоҳи бўлишди.

Энди бундан йигирма-ўттиз йил олдинги тўйларни кўз олдингизга келтиринг. У пайтларда одамлар бугунгидай тўйхона танламас, чунки тўйхона деганнинг ўзи йўқ эди. Шу боис ҳовлиси атрофини бўз билан ўраб, тўй ўтказарди.

Бугун тўйга борган киши дастурхони тўкин, турмуши фаровон ва ўзига хос маданиятга эга заминда яшаётганини ҳис қилади. Бу — аҳоли турмуш тарзи тубдан ўзгаргани ва юксалганидан дарак. Сўнгги йилларда воҳанинг ялпи ички маҳсулоти 2,2, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 1,7, реал даромадлар эса бир неча баробар ошгани, хусусан, кейинги тўрт йилда ўсиш суръатлари 6,1 фоиздан 10,2 фоизга кўтарилгани ҳам буни тасдиқлайди.

Хусусий секторни такомиллаштириш борасида амалга оширилган ислоҳотлар тадбиркорликни ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шароит яратди. Шундан бўлса керак, 1999-2010 йилларда вилоятда 12,5 мингдан зиёд кичик бизнес субъектлари ташкил этилди. Шу давр мобайнида вилоятга 217 миллион доллар миқдорида хорижий инвестициялар жалб этилди. Ҳозир 30 та қўшма корхона фаолият кўрсатаяпти. Уларнинг 21 таси кейинги ўн йил мобайнида ишга туширилгани бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар изчил ривожланиш босқичида эканлигини англатади. Жумладан, вилоятда 2001 йили 25 турдаги саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилган бўлса, 2011 йилга келиб уларнинг сони юздан ошди.

Аҳоли бандлиги ва даромадининг барқарор манбаи бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вилоят иқтисодиётида ҳал қилувчи кучга айланди. Бугунги кунда бу соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 71,8 фоизни, аҳоли бандлигидаги улуши 78 фоизни ташкил этмоқда. Бундан беш йил муқаддам вилоятда 30 минг 382 та янги иш ўрни яратилган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 59 минг 423 га етди. Жорий йилнинг ўтган 5 ойи мобайнида 25 минг 67 та янги иш ўрни очиш режалаштирилган эди. Вазифа 103,7 фоизга уддаланди. Яъни, 25 минг 987 нафар киши иш билан таъминланди.

Бугун барча жойларда бўлгани каби Хоразм вилоятида ҳам Президентимиз ташаббуси билан қишлоқ аҳолиси учун намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар барпо этиш жадал суръатда давом этаяпти. Фақат ўтган йилнинг ўзида барча коммуникация ва инфратузилмага эга 590 та кўркам уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Вилоятда ичимлик сувини мусаффолаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар туфайли бир кеча-кундузда 100 минг кубометр ҳажмдаги сувни тозалаб берувчи иншоот ишга туширилди. Янгиариқ, Қўшкўпир ва Хива туманлари бўйлаб 245 километр масофага сув қувурлари тортилди. Шунингдек, лойиҳа қиймати 17 миллион АҚШ долларига тенг 28 та сув тақсимлаш иншоотлари замон талаблари асосида реконструкция қилинди. Бу эса воҳа аҳлининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондирди.

**СОҒЛОМ МИЛЛАТ — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК**

Соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади. Мамлакат тақдири ва тараққиётини фақат соғлом тафаккур эгалари белгилайди, эзгу ишлар таянчига айланади. Ҳур Ватаннинг эртанги истиқболини ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол фарзандлар белгилайди. Шундай экан, миллат саломатлиги йўлида амалга оширилаётган ҳар қандай ислоҳот нурли келажак сари қўйилган муҳим қадам бўлиб қолади.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг маълум қилишича, айни пайтда воҳа қишлоқларида истиқомат қилаётган 1 миллиондан зиёд аҳолига жами 170 та ҚВП хизмат кўрсатмоқда. Улар учун 82 та махсус замонавий бинолар янгидан бунёд этилди. «Саломатлик-1» ва «Саломатлик-2» лойиҳалари доирасида мазкур шифо ва профилактика масканлари жами 4,4 миллион АҚШ доллари қийматига тенг энг замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

«Манзилли дастур» ижроси бўйича 2009-2011 йилларда 61 та ҚВП биноси мукаммал таъмирдан чиқарилди. Шу даврда 24 та қишлоқ врачлик пунктлари замонавий «Бўр» стоматологик машиналарга эга бўлди. Уларда аҳолига бирламчи тиббий хизматнинг барча турлари жорий этилди.

— Бундан 20 йил олдинги манзара ҳамон ёдимда, — дейди **Урганч шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Абдукаримова.** — Бир ёшгача бўлган чақалоқлар ўлими ўшанда 34-36 нафарга, оналар ўлими эса ҳар минг киши ҳисобига 8-10 нафарга етган. Мустақиллик йилларида бу нохуш ҳолатнинг олдини олиш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бугунга келиб оналар ва болалар ўлими 5-6 баробар камайди. Бунда, энг аввало, даволаш-профилактика ишларининг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилгани, нафақат туман ва вилоят марказлари, балки энг чет жойларда ҳам қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилиб, замонавий тиббий жиҳозлар ва малакали мутахассислар билан таъминлангани муҳим омил бўлди.

**ЭРТАНГИ КУН БИЗНИКИ, МАРРА БИЗНИКИ**

Мамлакатимизда юксак интеллектуал салоҳият, ноёб истеъдод эгаси бўлган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга ўз илмий-ижодий қобилиятини рўёбга чиқариши учун барча шарт-шароит ва имконият яратиб берилган. Бугун бу ўз самарасини бераётир. Истиқлол фарзандлари халқаро фан олимпиадалари, нуфузли мусиқа фестиваллари ҳамда маданият, фан ва спортнинг турли йўналишларида улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Бу борада Хоразм ёшлари ҳам ҳеч кимдан кам эмасликлари ва кам бўлмасликларини намоён этмоқда.

**Жумладан, 2010 йилнинг ўзида Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали талабаси Қувондиқ Отажонов компьютер тизимини дастурлаш бўйича ўтказилган жаҳон олимпиадасида фахрли 2-ўринни, мазкур ўқув даргоҳининг яна бир талабаси Акбар Қурбонбоев эса 3-ўринни эгаллади. Шунингдек, Хонқадаги 48-мактаб-интернат битирувчиси Назира Отахонова фан, Урганч туманидаги мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Жаҳонгир Рустамов санъат соҳасидаги фаол изланишлари учун «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳиби бўлди. Урганч санъат ва маданият коллежи битирувчиси Шаҳло Солаева эса Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди.**

Жорий йилда вилоят касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлари ўқувчилари мамлакатимизда мунтазам ўтказиб келинаётган «Баркамол авлод» Республика спорт ўйинларининг бу йилги беллашувларида муносиб иштирок этиб, умумжамоа ҳисобида 3-ўринни қўлга киритишди ва Президент совғаси — «Дамас» автомашинаси билан мукофотланди. Бу Хоразм ёшлари эришаётган ютуқлардан бир шингил, холос.

**Йигирма йил тарих учун жуда қисқа давр, аммо мана шу фурсат ичида диёримизда амалга оширилган ўзгаришлар, бунёдкорлик ва янгиланишларни асрларга менгзашади. Буни Хоразм вилояти ҳаётида ҳам кўришимиз мумкин. Бугун «Қуёшли ўлка» озод Ватанимизнинг боғу бўстони, тараққий топган нурафшон масканига айланмоқда.**

**Абдулла СОБИРОВ,**
**журналист.**

**Ватан ҳимояси — муқаддас бурч**



# Битирувчиларга дипломлар топширилди

Ўзбекистон Қуролли Кучлари академиясининг навбатдаги битирувчиларига диплом ва кўкрак нишонлари топширилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган маросимда мазкур академия ўқитувчилари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ҳамда битирувчиларнинг оила аъзолари қатнашди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-майор Қ.Бердиев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар натижасида миллий армиямиз йил сайин такомиллашиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Бу ерда олий тоифали, қўшинлар бошқарувига қодир офицерлар тайёрланади. Академияда тингловчилар учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Юртимиз мудофаа қудрати тобора юксалиб, соҳада кадрлар тайёрлашнинг мустаҳкам тизими яратилди.

**Иқтисодиёт ва ислоҳот**

# Маҳсулотларни экспорт қилиш

## *борасида яратилаётган имкониятлар*

Президентимиз томонидан жорий йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши ҳамда унга мувофиқ Давлат дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилиши барча соҳаларда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Хусусан, «Ўзстандарт» агентлиги ҳам тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш ҳамда мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни жаҳон бозорларида бемалол рақобатлашувини таъминлаш борасида бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни янада сифатли, экспортбоп қилиб ишлаб чиқаришни назорат қилиш, уларни сертификатлаштириш ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаштириш мақсадида шу йил 28 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг «Сертификатлаштириш тартиботларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Мазкур қарорни ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзстандарт» агентлиги томонидан маҳсулотларни экспорт қилишга кўмаклашиш Бюроси ташкил этилди.

Ушбу Бюронинг ташкил этилишидан кўзланган асосий мақсад ва вазифалар нималардан иборат эканлиги ҳамда шу қисқа вақт мобайнида қандай ишлар амалга оширилгани хусусида **Бюро директори Нурулло Ўрозқулов** билан суҳбатлашдик.

— Бюрони ташкил этишдан кўзланган мақсад экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга стандартлаштириш, сертификатлаш, ёрлиқлаш, ўраш ва бошқа параметрлар юзасидан халқаро ва мамлакатлараро талаблар бўйича бепул маслаҳат хизматлари кўрсатиш, экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришда халқаро ва мамлакатлараро стандартлар талабларини жорий этиш ва уларга эришиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда маҳсулотни хорижий бозорларга киритиш бўйича ахборот-маслаҳат ёрдами кўрсатишдир. Шунингдек, Бюромиз ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ юртимиз корхоналарида тайёрланган маҳсулотни экспортга чиқариш бўйича зарур ахборотлар тайёрлаш, ҳамда стандартлаштириш, сертификатлаш соҳасида хорижий компаниялар ва фирмалар билан ўз ваколатлари доирасида бевосита ҳамкорлик ўрнатиш каби масалаларда иш олиб боради.

Бундан ташқари, яна шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, ўтган қисқа муддат ичида Бюро ва унинг вилоятлардаги ҳудудий вакиллари керакли инвентарлар ва техник жиҳозлар, меъёрий ҳужжатлар электрон базаси ҳамда интернет тармоғига уланиб ўз электрон почтасига ҳам эга бўлди. Шу билан бирга, «Ўзстандарт» агентлигининг янги веб-сайтига бюро фаолияти тўғрисидаги маълумотлар киритилди. Бюромиз фаолиятини янада кенгайтириш ва ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Давлат божхона, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмиталари ва Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқдамиз.

Шунингдек, Бюро ходимлари юртимиздаги йирик корхона ва ташкилотларда бўлиб, «Маҳсулотларни экспортга чиқаришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кўмак кўрсатиш» мавзусида семинарлар ташкил этмоқда. Қолаверса, Бюро ўтган давр мобайнида 52 та корхонага маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича маслаҳат хизмати кўрсатди ва вилоятлардаги вакиллар 55 та корхонага бориб Бюронинг фаолияти, вазифалари, функциялари тўғрисида маълумот берди. Бунинг натижасида Бюрога маслаҳат сўраб мурожаат қилувчилар сони ортиб бормоқда.

Хусусан, бугунги кунда корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқаришда халқаро сифат тизимларини, яъни ИСО стандартларини жорий этилиши экспортга маҳсулот чиқаришнинг энг қулай йўлларидан бири бўлиб, Бюронинг барча мутахассислари фаолияти давомида, айниқса, маслаҳат хизмати кўрсатиш жараёнида бу масалага жиддий эътибор қаратиб келмоқда.

Ҳозирги кунда «Ўзстандарт» агентлиги 27 та мамлакат билан халқаро ва мамлакатлараро ҳамкорлик тўғрисида битим тузган, унга кўра Бюро ушбу мамлакатлардан экспорт қилинадиган маҳсулотлар талаблари бўйича маълумотларни олиб, ўз фаолияти доирасида қўллашни режалаштирмоқда.

Мамлакатимизда халқаро ва мамлакатлараро стандартлар талабларини жорий этиш, сифатли, рақобатбардош, жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни хорижий бозорларга экспорт қилишда Бюро зиммасига катта масъулият юкланган ва биз бу вазифа муҳим аҳамиятга эга эканини яхши англаймиз.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**
**ёзиб олди.**

Футбол




# Қуръа ташланди

Рио-де-Жанейро шаҳрида 2014 йилда футбол бўйича Бразилияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига қуръа ташлаш маросими тантанали равишда ташкил этилди. Унда Осиё қитъаси учинчи босқич саралаш мусобақасига чиққан жамоалар гуруҳи ва рақиблари ҳам аниқланди.

Қуръа натижасига кўра, мамлакатимиз терма жамоаси **«С» гуруҳига** тушди. Гуруҳ ўйинларида вакилларимиз **Япония, Сурия, Корея Халқ Демократик Республикаси** (КХДР) футболчиларига қарши тўп суради. Агар Япония ва КХДР жамоалари ЖАРда ўтган жаҳон чемпионати иштирокчилари, сурияликлар эса ноқулай рақибимиз эканлигини ҳисобга олсак, вакилларимизга осон бўлмайди. Лекин жаҳон чемпионатига олиб борадиган осон йўл йўқлигини унутмаслигимиз керак.

Саралаш ўйинлари 2 сентябрда бошланади. Терма жамоамиз шу куни сафарда сурияликларга қарши майдонга чиқади. 6 сентябрь куни эса Тошкентда Япония терма жамоасини қабул қилади. 11 октябрь куни сафарда КХДРга қарши учрашув билан биринчи давра якунланади. Тошкентда 11 ноябрь куни КХДР, 15 ноябрь куни Сурия футболчилари билан учрашув ўтказилади. Футболчиларимиз гуруҳ саралаш ўйинларини келгуси йил 29 февраль куни сафарда Япония терма жамоасига қарши учрашув билан ниҳоясига етказишади.

Бош мураббийимиз Вадим Абрамов тайёргарликни бошлаб юборди. 7 август куни миллий терма жамоамиз аъзолари йиғинга таклиф этилади. 10 август куни дастлабки ўртоқлик учрашуви ўтказиш режалаштирилган (бу Руминия терма жамоаси бўлиши мумкин).

Осиё қитъаси учинчи босқич саралаш мусобақаси гуруҳлари билан танишинг: **«А» гуруҳи** — Хитой, Иордания, Ироқ, Сингапур. **«В» гуруҳи** — Жанубий Корея, Қувайт, БАА, Ливан. **«Д» гуруҳи** — Австралия, Саудия Арабистони, Уммон, Таиланд. **«Е» гуруҳи** — Эрон, Қатар, Баҳрайн, Индонезия.

Эслатиб ўтамиз, гуруҳларда 1-2-ўринларни эгаллаган жамоалар Осиё қитъаси саралаш мусобақаси тўртинчи босқичига йўлланма олади.

**Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам!**

# Боксчиларимизнинг жаҳон чемпионатидаги ёрқин ғалабалари

Остона шаҳрида бокс бўйича ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаси иккита олтин, битта кумуш, иккита бронза медалларини қўлга киритиб, 50 дан зиёд давлат боксчилари қатнашган жаҳон чемпионатида умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринни эгаллади!







Ҳар қандай бокс мусобақасининг энг ҳаяжонли лаҳзаси оғир вазн тоифасидаги боксчиларнинг финал жанги ҳисобланади. Мана, жаҳон чемпионатининг энг ҳаяжонли лаҳзаси бошланди: рингга ўзбекистонлик боксчи Ойбек Шарипов ва Қозоғистон вакили Дидар Тўлаган таклиф этилди. Ҳамма сезиб турибди: бу жангда 80 кг.дан зиёд вазн тоифасидаги жаҳон чемпиониининг номи ва қайси давлатнинг умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллаши маълум бўлади. Ойбекка қараймиз, у хотиржам, ҳал қилувчи жангга тайёрланяпти. У Остона рингларида мутахассислар башоратини чиппакка чиқаришга улгурганди. Чунки мутахассислар оғир вазнда россиялик боксчининг жаҳон чемпиони бўлишини башорат қилишганди. Ойбек уни муросасиз кечган чорак финал жангида 18:11 ҳисобида енгди. Ярим финалда эса, Ойбек таиландлик боксчини биринчи раундда нокаутга учратди.

Ниҳоят, финал. Биринчи раундга гонг чалиниши билан боксчилар бир-бирига ташланишди. Ойбекнинг зарбалари бирмунча аниқ. Лекин қозоғистонлик боксчи ҳам чакки жанг қилмаяпти. Гонг чалинди, биринчи раундда боксчимиз олдинда — 5:1. Мезбонлар ўз боксчисини қўллаб-қувватлашдан бир зум тинмайди. Иккинчи раундда жанг янада шиддатли кечди. Ҳисобда ютқазаётганини билган қозоғистонлик боксчи жон-жаҳди билан жангга киришди. Ўз вақтида ҳимоя чораларини кўрган ва аниқ зарбалар берган Ойбек иккинчи раундни ҳам ўз фойдасига ҳал қилди — 4:3. Учинчи раунд бошланиши билан қозоғистонлик боксчи бор кучи билан зарба беришга уринди. Муросасиз жангда Ойбек аниқ ҳимоялана олди. Тўғри, учинчи раундда қозоғистонлик боксчи ҳисобда кичик устунликка эришди — 6:5. **Бироқ умумий ҳисоб Ойбек фойдасига ҳал бўлди — 14:10. Бу Ойбек Шарипов жаҳон чемпиони бўлганини, Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринга кўтарилганини, қозоғистонликлар тўртинчи ўринга тушиб кетганини билдирарди (умумжамоа ҳисобида россияликлар биринчи, австралияликлар учинчи ўринни эгаллашди).**

Жаҳон чемпионати шоҳсупасининг юқори поғонасида мағрур турган Ойбек Шариповнинг ғалабаси шарафига спорт мажмуасида Ўзбекистон Давлат мадҳияси садолари остида Давлат байроғимиз кўтарилди. Мадҳиямизни куйлаётган Ойбекка қараб, шундай мард ва иродали ўғилни тарбиялаб, камолга етказган ота-онасига, устоз-мураббийларига таҳсинлар айтдик.

Жаҳон чемпионати шоҳсупасига кўтарилиш осон эмас. 57 кг вазн тоифасида қатнашган Алиёр Норалиев ҳам финалда жанубий кореялик боксчини қийин кечган жангда 9:7 ҳисобида енгиб, жаҳон чемпиони бўлди ва унинг шарафига спорт мажмуасида Давлат мадҳиямиз садоси остида, Давлат байроғимиз кўтарилди. 60 кг вазн тоифасида Исроил Мадримов финалда россиялик Шомил Максаковга қарши рингга кўтарилди. Оғир кечган жанг 14:15 ҳисобида рақиб фойдасига ёзилди, Исроил жаҳон чемпионатининг кумуш медали билан кифояланди. Бунгача боксчиларимиздан Акбаржон Мелиниёзов ва Улуғбек Абдуқаюмов бронза медалларини қўлга киритишга улгуришганди.

Дарҳақиқат, Остонада ўтган жаҳон чемпионати ўсмир боксчиларимизнинг ёрқин ғалабаси билан якунланди. Бу ғалаба истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда спортни, айниқса, болалар спортини оммалаштиришга, ривожлантиришга берилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг самарасидир.

Руфат Рисқиев, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Ўткир Ҳайдаров, Аббос Атоев каби боксчиларимизнинг юксак ғалабалари билан жаҳонда ўз нуфузига эга бўлган ўзбек бокс мактабининг шонли анъанаси янги авлод — Истиқлол фарзандлари томонидан давом эттирилгани ва бунга Мустақилликнинг 20 йиллик тўйи арафасида эришилганида чуқур рамзий маъно мужассам. Ҳа, Мустақиллик шарофати туфайли дунё спорт луғатида ўзбек бокс мактаби деган атама пайдо бўлди ва жаҳон рингларида ўзининг шарафли ўрнини эгаллади. Шукурки, юртимизда бу шонли анъанани давом эттирадиган иродали, шижоатли боксчиларнинг янги авлоди вояга етмоқда. Буни ўсмир боксчиларимизнинг жаҳон чемпионатидаги ёрқин ғалабаси яна бир карра тасдиқлади.

Истиқлол фарзандларининг ғалабаси муборак бўлсин, Она-Ўзбекистоним!

**Асрор МЎМИН.**
**Муродбек ЗИЁ олган суратлар.**

Тадбир

# Ёш журналистлар пойтахтимизда

*малака ошириб қайтишди*

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Республика ҳудудий босма оммавий ахборот воситалари ёш журналистларининг марказий нашрларда малака ошириш лойиҳасининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди.

*Бу лойиҳа 2008 йилдан буён амалга оширилиб келинмоқда. Жорий йилда 130 нафар ёш журналистларнинг малакасини ошириш режалаштирилган. Шу кунгача 60 нафар журналистлар лойиҳа дастури бўйича ўз тажриба ва маҳоратини оширишди.*

*Мазкур лойиҳанинг бу галги босқичида Навоий ва Бухоро вилоятида фаолият юритаётган 20 нафар ёш журналист бир ҳафта давомида пойтахтимиздаги марказий босма нашрлар ҳамда ахборот агентликларида бўлиб, тажриба ўрганишди. Ушбу тадбирлардан бири газетамиз таҳририятида ҳам бўлиб ўтди.*

*Шунингдек, лойиҳа иштирокчилари турли мавзудаги семинар-тренингларда таниқли журналистлар, мутахассислар билан бўлган мулоқотларда назарий билимларини оширди.*

*Маълумки, кейинги йилларда Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда миллий матбуотни янада ривожлантириш, унинг эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун барча шарт-шароит ва имкониятларни яратиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ахборот-коммуникация воситалари, техник ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш юзасидан қонунчилик базасининг мустаҳкамланаётгани бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларнинг амалий тасдиғидир.*

**Тоштемир ГАДОЙМУРОД**

# Иккинчи давра бошланди



Футбол бўйича мамлакат 20-миллий чемпионатининг 14-тур учрашувлари ўтказилди.

Бу тур чемпионат пешқадамлари «Бунёдкор» ва «Пахтакор» клубларининг йирик ҳисобдаги ғалабалари ҳамда «Насаф» жамоасининг ўз майдонидаги мағлубияти билан ёдда қоладиган бўлди.

«Бухоро» — «Бунёдкор» — 0:4, «Сўғдиёна» — «Шўртан» — 2:3, «Нефтчи» — «Навбаҳор» — 1:1, «Пахтакор» — «Андижон» — 5:1, «Насаф» — «Динамо» — 0:1, «Олмалиқ» — «Қизилқум» — 2:1, «Машъал» — «Металлург» — 2:1.

Чемпионатда «Бунёдкор» 38, «Пахтакор» 32 ва «Насаф» 30 очко тўплаган ҳолда пешқадамлик қилишмоқда.

Хабар

# Янги ўқув йили — янги бинода

Самарқанд вилоятининг қишлоқ туманларидаги эски ва таъмирталаб мактаблар ўрнида кўркам билим даргоҳлари қад ростлаяпти. Шундай иншоотлардан бири Самарқанд туманининг «Чумчуқли» қишлоғида барпо этилаяпти.

— 540 ўринли мактаб биноси қурилиши шу йил февраль ойида бошланган, ҳозир қурилиш-таъмирлаш ишлари ниҳоясига етаяпти. Қурувчиларнинг саъй-ҳаракати билан барча ишлар сифатли бажарилмоқда, — дейди мактаб директори Ирода Дониёрова. — 24-мактаб 1927 йили қурилган бўлиб, 1940 йилда мазкур бино мактабга мослаштирилган, ўқувчиларнинг таълим-тарбия олиши учун қулай имконият йўқ эди. Ўқиш икки сменада олиб борилар, спорт билан шуғулланиш, қўшимча машғулот ўтказиш учун шароит етарли эмасди. Ниҳоят, бизнинг орзумиз ҳам ушалмоқда. Ўқувчиларимиз учун барча қулайликларга эга, замонавий мактаб биноси барпо этилаяпти.

— Лойиҳа қиймати 1 миллиард 800 миллион сўмлик мактаб биноси қурилишида 200 нафардан зиёд қурувчи меҳнат қилмоқда, — дейди 4-кўчма механизациялашган жамланма раҳбари Одил Дониёров. — Ҳозир сўнгги пардозлаш ишлари бажарилаяпти. Бу ерда замонавий спорт зали, компьютер ва лингафон хонаси мавжуд. Мактаб биноси байрам арафасида фойдаланишга топширилади.

— Туманда 5 та замонавий мактаб биноси барпо этилаяпти, — дейди Самарқанд тумани халқ таълими бўлими мудири Комил Тоҳиров. — Галаосиё, Пули Муғоб, Оҳалик, Чунгул қишлоқлари ёшлари янги ўқув йилини янги мактабларда бошлашади.

**Абдували ХУДОЁРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Хорижда

# Космик чиқиндилар

*икки бараварга кўпайган*



***Космик чиқиндилар муаммосига бағишланган йиғилишда «NASA» (АҚШнинг аэронавтика ва коинот кенгликларини тадқиқ қилиш миллий бошқармаси)нинг иккинчи чорак ҳисоботи эълон қилинди. Унда қайд этилишича, дейилади «Новости» АА хабарида, космик чиқиндилар кейинги ўн йилда икки баравар кўпайган.***

Бугунги кунда Ер орбитасида 16,094 мингта космик чиқинди учиб юрибди. Уларнинг 3,396 мингтаси ишдан чиққан сунъий йўлдошлар бўлса, 12,968 мингтаси юк ташувчи ракеталарнинг орбитада ажралувчи қисмлари ва бошқа синиқларидир.

2001 йили космик чиқиндиларнинг умумий сони 8,831 мингта эди, холос (уларнинг 2,732 мингтаси ишдан чиққан сунъий йўлдошлар, 6,099 мингтаси эса ракета бўлаклари).

«NASA» манбаларига қараганда, коинотни чиқиндига «тўлдириш» борасида Россия биринчи ўринда — 6,075 мингтаси унинг ҳиссасига тўғри келарди. Иккинчи ўринда эса АҚШ — 4,867 мингтаси шу мамлакат томонидан учирилган ва бугунги кунда космик чиқиндига айланган жисмлардир. 3,623 мингта космик чиқинди Хитой ҳиссасига тўғри келгани учун у учинчи ўринни «ишғол» этган.

Шуни таъкидлаш жоизки, кейинги пайтларда айнан космик чиқиндилар билан тўқнашиб кетиш ҳолатлари юзага келаётганлиги боис Халқаро космик станция орбитада ўз ўрнини тез-тез ўзгартиришига тўғри келмоқда.

# Атом энергетикасидан воз кечиш

*335 миллиард еврога тушади*



***Маълумки, жорий йилнинг 11 мартида Японияда юз берган 9 балли зилзила оқибатида «Фукусима-1» атом электр станцияси энергоблокларида содир бўлган портлашлар катта талафотларни юзага келтирди. Шундан сўнг дунё ҳамжамияти атом электр станциялари ҳам хавфсиз эмаслигига амин бўлган ва айрим давлатлар АЭСлардан воз кечиш тараддудига тушиб қолганди.***

Хусусан, Ангела Меркел бошчилигидаги Германия ҳукумати 2010 йили мамлакатдаги мавжуд 17 та АЭСдан фойдаланиш масаласини яна 14 йилга узайтириш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Япония фожиасидан сўнг кенг жамоатчилик босими остида бу қарор бекор қилинди. Яъни, амалда фаолият кўрсатаётган 17 та АЭСнинг 8 тасидан тезлик билан воз кечиладиган бўлди. Қолган 9 тасининг эса 2023 йилгача босқичма-босқич фаолияти тўхтатилади. Бу эса мамлакат иқтисодиёти учун 335 миллиард еврога тушаркан.

«Welt» нашри хабар беришича, Германия АЭСлар ўрнига энергия манбаининг муқобил тури — экологик соф манба ҳисобланмиш қайта тикланувчи энергияга ўтиш устида кенг миқёсли иш бошламоқда. Яъни, 2020 йилга бориб шамол ва қуёш энергиясидан фойдаланиш ҳозирги 17 фоиздан 35 фоизга кўтарилади.

**ОБ-ҲАВО 2-3.08. 2011**

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 40°C | 42°C |
| Самарқанд | 37°C | 42°C |
| Нукус | 39°C | 44°C |
| Қарши | 39°C | 44°C |
| Урганч | 39°C | 44°C |
| Навоий | 39°C | 44°C |
| Фарғона | 34°C | 39°C |
| Бухоро | 39°C | 44°C |
| Андижон | 34°C | 39°C |
| Наманган | 34°C | 39°C |
| Термиз | 39°C | 44°C |
| Жиззах | 37°C | 42°C |
| Гулистон | 37°C | 42°C |
| Тошкент вил. | 37°C | 42°C |

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Лондон | 17°C | 16°C |
| Париж | 30°C | 23°C |
| Москва | 31°C | 28°C |
| Мадрид | 36°C | 35°C |
| Пекин | 31°C | 32°C |
| Гонгконг | 29°C | 30°C |
| Рим | 27°C | 27°C |
| Анқара | 37°C | 38°C |
| Токио | 28°C | 30°C |
| Стокгольм | 19°C | 19°C |
| Кейптаун | 17°C | 18°C |
| Қоҳира | 34°C | 34°C |
| Гавана | 33°C | 33°C |
| Вашингтон | 22°C | 34°C |

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 846
10893 nusxada bosildi.

t — Tijorat materiallari
Topshirish vaqti — 21.00
O'zA yakuni — 22.00
Topshirilgan vaqti — 23.30

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5